

Bakhtiarhoja SHODMONOV
 TASHKENT REGIONAL PUBLIC SCHOOL
 TEACHERS PROFESSIONAL DEVELOPMENT AND
 RETRAINING CENTER, Head of the department “Methods
 of Socio-economic sciences”
 bahtiyor8313@mail.ru.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

WORLD EXPERIENCE IN THE IMPLEMENTATION OF THE STATE YOUTH POLICY OF UZBEKISTAN

УЗБЕКИСТАН И МИРОВОЙ ОПЫТ В РЕАЛИЗАЦИИ МОЛОДЁЖНОЙ ПОЛИТИКИ

Калит сўзлар: Ёшлар, илм, тафаккур, интеллектуал ёшлар, таълим, олий таълим, ёш олимлар, ёш авлод, қонун, ёш мутахассис, ёшлар иттифоқи, мустақиллик йиллари, тарих, Ўзбекистон тарихи.

Ключевые слова: Молодёжь, наука, интеллектуальная, молодёжь, образование, молодые учёные, молодое поколение, молодой специалист, Молодёжный союз, годы независимости, история, история Узбекистана.

Key words: youth, education, thinking, knowledge, young scientists, young generation, law, young specialist, The Youth Union, independence years, history, history of Uzbekistan.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ҳар тамонлама зукко, илмли ҳамда ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бугунги кундаги Президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг асосий мақсадларидан биридир.

Бизга маълумки, ёшларга доир сиёсат йўналиши бир қанча ривожланган давлатларда XX асрнинг 60-70 йилларида мустақил соҳа сифатида шаклланган. Жумладан, 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида”-ги резолюция қабул қилинганидан сўнг бу масала

янада долзарб аҳамият касб эта бошлаган. Ҳар бир мамлакатда ўзига хос, давлат қурилиши ва бошқарув тизимига мос равишда ёшлар сиёсатини юриштириш турли механизмлари ва тизимлари қарор топа бошлаган (Субҳонов.Н. 2000: 3.).

Собиқ Иттифок даврида ёшлар давлат томонидан кучли назорат остига олинган ҳолда оммавий равишда комсомол ташкилот аъзоларига айлантирилган. Бу ташкилотга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлган бўлса-да, аслида бундай аъзоликгина келажак ҳаётни тўғри ташкил қилиш, керакли лавозимларга кўтарилиш учун қулай замин яратиши мумкин эди. Комсомолга аъзо бўлмаган ёшларни олий ўқув юртига киритиш ёки қандайдир лавозим эгаллаши мушкул эди. Шунинг учун аксарият ёшлари комсомолга аъзо бўлишга интиланган. Расмий маълумотларга таянсақ, собиқ СССРда 1980 йилларнинг охирига келиб, 14–28 ёшгача бўлган ёшларнинг 65% комсомол аъзоси бўлган. Айрим Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида эса бу кўрсаткич ҳатто 80 – 90% ни ташкил этган. Бугунги кунда Собиқ Иттифок мамлакатларининг деярли барчаси, ёшлар сиёсатида доир кўпгина масалаларни ҳал қилишга киришганлар. Бу мамлакатларда ҳам турли кўринишдаги ёшлар ҳаракатлари ва гуруҳлари ташкил топмоқда. Масалан, Россияда 1999 йилда “Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати” (“Молодёжное правозащитное движение” (МПД)) вужудга келган. Бугунгикунда мазкур ҳаракат Россия, Европа ва Осиё (Германия, Белорусь, Украина, Қозғоғистон, Молдова) мамлакатларининг 30та ҳудудларидаги 60дан ортиқ ёшлар ташкилотлари ва гуруҳларни бирлаштиришга муваффақ бўлди. МПДнинг ташкил қилишидан мақсад: ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ёшларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга эришишдир. Словакиядаги АМАВЕТ ёшлар бирлашмаси сиёсий йўналишга эга эмас, унинг мақсади ёшларга ўз қобилият ва имкониятларини намоён этишга қўмаклашишдан иборат. Айрим ташкилотлар маданий йўналишда бўлиб, миллий маданиятни тарғиб қилиш, тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ёшларни бирлаштирган бўлса-да, буларнинг айримлари диний тус олмақда. Европанинг айрим мамлакатларида миллий озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ёшлар ташкилотлари вужудга келган, масалан, Словакияда венгер ва лўлилар ёшларининг ташкилотлари мавжуд.

Бугун Германия ва Францияни биринчи йўналишдаги ёшлар сиёсатини олиб борадиган давлатлар сирасига киритиш мумкин. Ушбу давлатлар ўз фаолиятини ёшлар сиёсатини умум миллий, минтақавий ва ҳудудий даражаларга қараб ихтисослаштириш асосида олиб боради. Бунда ёшлар

Ўзбекистон демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш натижалари илмий салоҳиятли ёшларнинг муҳим қарорларни қабул қилишда фаол қатнашишда намоён бўлади. Унинг институционал чегараларини янада кенгайтириш давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида воситачи бўла оладиган сиёсий жараёнлар акторлари сонини ошириш имконини беради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ билан мулоқот” концепцияси айнан фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишга сиёсий замин бўлди. Жамиятда демократик тартиботлар ва эркинлик муҳити жорий этилди. Давлат идораларига нисбатан фуқаролар ишончи шаклланди. Одамлар давлат идораларига ва фуқаролик жамияти институтларига ўзлари учун химоя институтлари сифатида қарай бошладилар. Жамиятда фаол фуқаролик позицияси шаклланишига катта эътибор қарилди.

Ушбу мақолада мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши ва амалга ошириш жараёнлари ҳамда жаҳон тажрибаси муҳокама қилинган. Шунингдек, ёшлар ташкилотларининг шаклланиш ва ривожланиш унда ёшларининг иштироки, уларнинг ўрни, ютуқ ва муаммолари ҳақида маълумот бериш билан биргаликда таклифлар ҳам киритилган. Бундан ташқари илмий салоҳиятга эга бўлган ижтимоий химояга муҳтож ёшлар қатламларини алоҳида қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва тафаккурини доимий равишда ривожлантириб бориш, илмий салоҳиятли ёшлар интеллектуалини дунё мамлакатлари даражаси билан тенглаштириш, мамлакат иқтисодиёти ривожини ёшлар интеллектуал захиралари билан узвий боғлаш, илмий салоҳиятли ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнларига камарбасталик, ислохотларга ишонч фазилатларини тарбиялаш каби масалалар таҳлил қилинган.

Результаты углубления демократических преобразований и развития гражданского общества в Узбекистане будут проявляться при активном участии молодежи с научным потенциалом в принятии важнейших решений. Расширение институциональных границ даст возможность расширить факторы политических процессов в качестве посредника между государством и гражданским обществом. Комплекс мер по реализации талантов и способностей молодежи, предусмотренные в Государственной программе «Год диалога с народом и защиты интересов человека», предложенные Президентом Шавкатом Мирзиёевым, послужит политической почвой в повышении активности граждан в общественно-политических процессах.

В этой статье рассмотрены предложения по совершенствованию государственной молодежной политики и процессы претворения их в жизнь на основе изучения мирового опыта, а также вопросы участия молодежи в формировании и развитии молодежных организаций, их месте и роли. Кроме этого, проанализированы вопросы поддержки одаренной молодежи, нуждающейся в социальной защите, непрерывного повышения правовой культуры, мышления и образования молодежи в соответствии с требованиями времени, тесной взаимосвязи развития экономики страны с развитием научного потенциала молодых кадров, о создании условий для обеспечения активной деятельности, способствующих развитию социально-политических и экономических реформ.

The results of the deepening of democratic transformations and the development of civil society in Uzbekistan will be manifested with the active participation of young people with scientific potential in making critical decisions. The expansion of institutional boundaries will provide an opportunity to expand the factors of political processes as an intermediary between the state and civil society. A set of measures to realize the talents and abilities of young people, provided for in the State Program “Year of Dialogue with the People and Protection of Human Interests”, proposed by President Shavkat Mirziyoyev, will serve as the political ground for increasing the activity of citizens in socio-political processes.

This article discusses proposals for improving the state youth policy and the processes of their implementation based on the study of global experience, as well as issues of youth participation in the formation and development of youth organizations, their place, and role. Also, issues of support for gifted young people in need of social protection, continuous improvement of the legal culture, thinking and education of young people by the requirements of the time, close interconnection of the development of the country's economy with the development of the scientific potential of young personnel, creation of conditions for ensuring vigorous activity, which will contribute to the development of socio-political and economic reforms.

сиёсати оила, қариялар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича вазирлик томонидан Конституция ва федерал қонунлар асосида амалга оширилади. Хусусан, Францияда ёшлар сиёсати Ёшлар ишлари, спорт ва жамоат бирлашмалари бўйича вазирлик томонидан ишлаб чиқилади. Ёшлар сиёсати соҳасида давлат ҳамда фуқаролик жамияти тузилмалари тенглигига асосланган стратегия Буюк Британия ва Швецияга хос бўлиб, бунда ёшлар сиёсатининг умумий қўриниши, мақсад ва етакчи вазифалари давлат

томонидан белгилаб берилса, бу вазифаларнинг ижроси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади. Ушбу давлатларга хос бўлган хусусият эса ёшлар сиёсати ва ёшлар ишлари бўйича махсус давлат органларининг мавжуд эмаслигида намоён бўлади.

Европа давлатларининг ёшлар борасида олиб бораётган сиёсатининг умумий жиҳатлари инobatга олиниб, шунингдек, Европа Иттифоқи ёшла-

рининг манфаатлари тенглигига асосланиб, ушбу соҳада ягона сиёсатни юритиш мақсадида, Иттифок томонидан Страсбург (Франция) ва Будапешт (Венгрия) шаҳарларида “Европа ёшлар Марказ”лари ташкил этилган. Шунингдек, Еврокомиссия томонидан “Европа Иттифоқининг ёшлар стратегияси – сармоялар ва ваколатлар” номи хужжат қабул қилинган бўлиб, мазкур дастур асосида Иттифокқа аъзо давлатларнинг ёшлар борасидаги сиёсати бўйича ҳамкорлик ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, дунёнинг қўллаб-даватлашида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини халқаро ва миллий даражада қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилган ёшлар парламентлари ҳамда миллий ёшлар кенгашлари фаолият юритмоқда. Жумладан, халқаро даражада ёшлар манфаатларини қўллаб-қувватловчи Европа ёшлар парламенти, Буюк Британия Бирлашган Қироллиги ёшлар парламенти, Шимолий Ирландия ёшлар форуми Шотландия ёшлар парламенти каби ёшлар парламентлари ҳамда Австриядаги Австрия халқаро ёшлар ҳамкорлиги қўмитаси, Белгиядаги Фламан ёшлар кенгаши, Буюк Британияда Британ ёшлар кенгаши, Германияда халқаро ёшлар ишлари бўйича Германия миллий қўмитаси (бундай кенгашлар Исландия, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва каби 25 га яқин давлатда мавжуд) фаолият юритмоқда. Буларни келтиришдан мақсад, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватловчи механизм мамлакатларда қай даражада амал қилаётганига эътибор қаратишдир (Чориева Д. 2008: 33-34.).

Америка Қўшма Штатларининг ёшлар борасидаги давлат сиёсати ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг ўзига хослиги, яъни, мазкур сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита ёшларнинг ўзлари иштирок этиши билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туришига гувоҳ бўламиз. Ҳозирги кунда Америка ёшлари орасида наркотик моддалар истеъмоли, жиноятчилик ва ирқчилик билан боғлиқ муаммолар авж олган. Шундан келиб чиқиб, ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўпгина қонунлар қабул қилиниб, амалга татбиқ қилинган. Айни пайтда АҚШда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан 400 дан ортиқ дастурлар ишлаб чиқилган. Шундан энг кўп аъзоларга эга бўлганлари “Ёшларни ҳимоялаш лигаси”, “Талабалар очарчилиikka қарши”, “Ташқарига назар”, “Ёрдам (Хелп)” ҳамда “Қутқарув армияси” кабилар ҳисобланади. Мазкур ҳаракатлар АҚШнинг барча касб-хунар ўқув муассасаларидаги ёшларни қамраб олган. АҚШда “Ёшлар сиёсати концепцияси”ни амалга оширишда давлатнинг роли бирмунча оз бўлиб, бу жараёнга, асосан, хусусий ташки-

лотлар кенг жалб қилинган. Давлат ёрдами ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож бўлган ёшларга қатъий чегараланган миқдорда кўрсатилади. АҚШда ёшлар сиёсати давлат идораларининг алоҳида бир фаолият соҳаси ҳисобланмайди, ёшлар муаммолари юзасидан бир неча вазирликлар иш олиб боришади. Жумладан, Меҳнат вазирлиги ёшларнинг бандлиги, Адлия вазирлиги жиноятчилик, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги эса ёшлар ҳамда ўсмирларнинг соғлиги борасидаги муаммолар билан шуғулланишади. Ёшлар билан ишлашда сиёсий ташкилотлар, спорт муассасалари ҳамда диний ташкилотларнинг ўрни ҳам баланд. “Ёш республикачилар” миллий федерацияси ҳамда “Американинг ёш демократлари” АҚШдаги энг катта ёшлар сиёсий бирлашмалари ҳисобланишиб, улар мамлакатдаги икки йирик сиёсий партиянинг ёшлар бўйича расмий ташкилотларидир. Ёшлар сиёсий ташкилотларининг асосий мақсадларидан бири ёшларни сиёсий ҳаётга жалб қилиш, уларнинг давлат сиёсатидаги ўрнини ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, АҚШда “Лютеранлик лигаси” ва “Католик ёшларнинг миллий федерацияси” каби диний, миллий ёшлар ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Кунчиқар юртга қараб юзланадиган бўлсак, Японияда ёшлар сиёсати муҳимлиги инобатга олиниб, мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар миллий сиёсат даражасига олиб чиқилган. Ушбу сиёсат БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясида кўрсатилганидек, ёшлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган. Японияда ёшлар борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун Миллий ассамблея ташкил этилган бўлиб, бу ташкилот асосан 4 та дастур асосида иш олиб боради. Биринчиси, “Миллий ҳаракат” дастури бўлиб, у асосан куч ва воситаларини Ассамблея фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтиради. Иккинчиси, “Ҳаёт йўлини танлашга қўмаклашиш” дастури 2007 йилда тасдиқланган бўлиб, унинг фаолияти ёшларни касб танлашга йўналтириш, уларнинг турли иқтидорларини ўрганишга қаратилган. Учинчиси, “Ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чоралари” дастури бўлиб, унинг асосий мақсади ёшлар орасидаги жиноятчиликка қарши курашишда давлат органларига яқиндан ёрдам бериш ҳамда ёшларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини ўрганиш марказлари билан ҳамкорликни амалга оширишдан иборат. Сўнгги, “ОИТСга қарши кураш” дастури ўз ичига ёшлар орасида ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга қаратилган турли маслаҳатлар бериш ва бошқа тадбирлар ўтказишни назарда тутди.

Марказий Осиё мамлакатларидаги ёшлар ҳақида сўз юритганда уларни куйидагича таснифланишини кўрамиз:

Қозоғистонда энг оммавий ва кўп сонли ташкилот “Жас Отан”, яъни “Ёш Ватан” ташкилоти бўлиб у Нурсултан Назарбоевнинг “Отан” сиёсий партиясининг ёшлар қаноти ҳисобланади. “Жас Отан”нинг аъзолари сони қарийб 100 минг нафар кишини ташкил этади. Шунингдек, Қозоғистон аграр партияси қошида “Қишлоқ ёшлари Иттифоқи” ташкилоти фаолият юритади. Қ и р г и з и - стонда “Кел Кел” (“Тикланиш”) расман фуқаролик ёшлар ҳаракати деб аталади. Туркменистонда 1991 йилда ташкил этилган Махтумқули номидаги “Галкыныш” (“тикланиш”) ёшлар умуммиллий ҳаракати мамлакатнинг энг йирик ташкилоти ҳисобланади. У 37 ёшгача бўлган 700 мингдан ортиқ ёшларни ўз ичида бирлаштирган. Унинг ҳозиргача гимни бўлиб собиқ президент Сапармурат Ниязов қаламига мансуб “Туркмен яшлары” (“Туркман ёшлари”) кўшиғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин собиқ комсомол ташкилотини ислоҳ қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ёшларини бирлаштириш учун 1994 йилда “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тузилди. Ташкилот ёшларни ўз пленуми ва конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларда ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари тўла акс этмаганлиги натижасида 1996 йилда “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти тугатилиб, шу йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси тўғрисидаги Президент фармони асосида янги ёшлар ташкилоти “Камолот” жамғармаси ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказиш ишларига кўмаклашиш, ёшларни жамият қурилишига тортиш, мутахассисликларга эга бўлишига ёрдам бериш, улар тафаккурига маънавий қадриятларни чуқур сингдириш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби хислатларни тарбиялаш, уларни мустақилликнинг қатъий издошларига айлантириш учун ташкил этилди. 1996-2000 йиллардаги “Камолот” жамғармаси бошқаруви мажлислари баённомалари ва қарорларида “Ёшлар муаммолари институти” очилгани, “Камолот ва қонун” корхоналари кенг қамровли фаолият олиб борганлиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ, жамғарма ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий ишларни олиб боргани билан ҳам ўзининг мақсадларини тўла бажара олмади. “Камолот” жамғармасига ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий бир жамғарма сифатида қарашлар асосида фаолият

юритишга мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Жамғарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади. У ёшлар ўртасида маънавий ва маърифат ишларини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажара олмади.

Биринчи Президент Ислам Каримов 2001 йил 24 январда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда ёшларнинг бошини қовуштирадиган, “уларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган” янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурди. Ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи “Камолот” нодавлат тизими ишини янада фаоллаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Президент ҳузурида махсус мажлис чақирилди. Мазкур учрашувдан мақсад ёшлар муаммоларига мамлакат аҳолиси эътиборини яна бир бор қаратиш ҳамда “Камолот” ёшлар ҳаракатига давлат ва жамоатчилик кўмаги асосларини белгилаб олишдан иборат эди. Йиғилишда ёшлар ташкилотини ижтимоий ҳаракат тарзида қайта шакллантириш ҳамда ташкилот фаолиятини янгиланган мазмун ва шаклда қайта тузиш зарурати ҳақида фикр юритилди. Шу даврдан эътиборан “Камолот” ҳаракатида янги тараққиёт босқичи бошланди. 2001 йил март ойида “Камолот” ёшлар жамғармасини ёшлар ижтимоий ҳаракати сифатида қайта шакллантириш бўйича тадбирлар амалга оширилди (Бўронова Д.Д. 2009:87-88.). 2001 йил 25 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис Қурултойи бўлиб ўтди. Таъсис қурултойда ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикасида, шунингдек, Тошкентнинг 11 та туманида мазкур ҳаракатнинг бўлимлари, бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади. Жумладан, 2001 йилда 599 та бошланғич ташкилот тузилган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони 601 га, 2003 йилда эса, 627 тага етди [4]. 2009 йилга келиб “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мамлакат шаҳар ва туманларида, ўқув юртларида, корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган қарийб 17 мингта бошланғич ташкилоти атрофига тўрт миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштира олган (Рўзиев У. 2010. 11 ноябрь) .

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, ёш авлоднинг таянчи

ва суянчи бўлишдан иборат деб белгиланди. 2001 йил 23 майда ташкил этилган “Камалак” Болалар ташкилоти ҳам Ўзбекистондаги энг нуфузли болалар ташкилоти сифатида самарали фаолият кўрсатди. 2001 йилда “Камалак” болалар ташкилоти 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган бўлиб 4,2 млн.дан ортиқ болалар ташкилотга аъзо бўлган бўлса, 2007 йилда Республикада 10–14 ёшгача бўлган ўқувчилар сони 3 039 943 нафарни ташкил этиб, “Камалак” болалар ташкилоти аъзолари сони 4 624 877 нафарини ташкил этди (7-10 ёшгачалар – 1599212, 10-14 ёшгачалар – 3025665), 2008 йил охирида 10-14 ёшгача бўлган ўқувчилар сони – 3761145 нафарини ташкил этди (*Топилдиев О.Р. 2011:41.*).

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими “Камалак” болалар ташкилоти томонидан болаларни мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўғаракларга бириктирилганлиги яхши йўлга қўйилган. Тўғаракларга жалб этилганлар сони – 543346 нафар, Болалар ташкилоти томонидан жалб этилганлар – 157707 нафарни ташкил этган. Болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларида фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратган. “Камалак” Болалар ташкилоти тизимида сардорлар Кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 2001 йил республикадаги 9702 та умумтаълим муассасалари ва улардаги 290 дан ортиқ синфларда болалар ташкилотининг сардорлари фаолият олиб борди. 2008 йилга келиб 300 мингдан ортиқ сардорлар фаолият олиб борди.

Харакатининг бошланғич ташкилотлари ва аъзолари сони бўйича ўтган давр билан таққослаганда куйидаги ҳолат вужудга келди: 2005 йил якунига кўра, 17654 та бошланғич ташкилот ва 4183409 нафар аъзолар; 2006 йил якунига кўра-16581 та бошланғич ташкилот ва 3849494 нафар аъзолар. 2007 йилга келиб ҳаракатга бўйсунувчи бошланғич ташкилотлар сони жами 15801 тани ва улардаги аъзолар сони 4561265 нафарни ташкил этди. 2008 йилда эса 15392 та бошланғич ташкилот ва улардаги аъзолар сони 5010996 нафар ташкил этди (*Топилдиев О. Р: 2011: 42.*).

Шунга қарамадан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида бўлмади. Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз икти-

дор ва истейдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмади.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи” ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

1996 йил 17 мартда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ёшларининг жамғармаси “Камолот” тўғрисида”ги Фармони [8], Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш тўғрисида”ги Қарори [9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2006 йил 10 октябрь қарори [10] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисидаги”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий кенгашининг 2017 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг умумий ўрта таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгашининг 2017 йил 8 августдаги 2017 йил 10 августдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида Сардорлар кенгаши сайловини ўтказиш тўғрисида”ги қўшма хатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мамлакатда ёшлар ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, оммалаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган давлат ҳужжатлари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ёшлар ташкилотларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари ўзига хос мураккабликларни бошидан ўтказди. “Камолот” ташкилоти давр олдиға қўяётган долзарб вазифаларға уddaбуронлик билан жавоб бериб, ўзида тадбиркорлик ва ташаббускорлик сифатларини намоён эта олмади. Шу туфайли, мамлакатдаги энг бош ёшлар ҳаракати сифатида бир неча бор “Камолот” фаолияти қайта ташкил этилди ва янгитдан иш бошлаш жараёнларини ўтказилди. Мустақиллик йилларида Ёшлар ташкилотининг ривожланишини шартли равишда қуйидаги босқичларға бўлиш мумкин:

– **1991-1996 йиллар.** Бу давр ёшларнинг Совет Иттифоқи таркибидаги ёшлар ташкилотлари фаолиятини тугатиб, демократик фуқаролик жамиятига мос эркин, коммунистик ақида ва мафкурадан холи бўлган ёшлар ташкилотларини тузишга шароит яратиш билан характерланади.

– **1996-2001 йилларда** Ўзбекистон ёшлар ташкилоти сифатида “Камолот” жамғармаси тузилди, унинг республика миқёсида тузилмалари шакллантирилди, ижтимоий мақсадлари ойдинлаштирилди. Шу тариқа, “Камолот” ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган жамғарма сифатида иш бошлади.

– **2001-2016 йилларда** мазкур ташкилот ўз фаолиятини тубдан ўзгартирди.

Шу йиллар мобайнида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистондаги энг кенг тармоқ отган ҳаракатлардан бирига айланди. “Камалак” Болалар ташкилоти ҳам Ўзбекистондаги энг нуфузли болалар ташкилоти сифатида самарали фаолият кўрсатган.

– **2017 йил ва шу йилдан кейинги даврлар.** Бу давирда ёшлар ташкилотининг энг янги даври тон маънода юксалиш даври бошланди. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни”, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларға оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларға оид давлат сиёсатининг амалға оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалға оширувчи тузилмага айлантириш;

– иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанға муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

– учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларға эға ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор қуч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишға қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

– тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбға чиқаришиға қўмаклашиш;

– бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишға бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларға, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларға қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

– олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажрали-

шининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

– еттинчидан, ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

– саккизинчидан, ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

– тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

– ўнинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

– ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

– ўн иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш[11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси -Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид

давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар фаолият юритмоқда.

Буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилди.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолият натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган “Ёшлар нашриёти уйи” ташкил этилди. Қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида “Қизларжон” журнали таъсис этилди. Фармонга кўра, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловлари, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва мастер-класслар тизимли ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “ката етакчи” ва “тўғарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган “ёшлар етакчиси” штат бирлиги жорий этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга

ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилиши Фармонда белгилаб берилган.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди.

Таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланмоқда.

Муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018–2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйлари барпо этиш дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастурда барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида - 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга “Матиз” ва “Дамас” автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Республикаимизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилмоқда. Фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилди. Фармонда белгиланган яна бир муҳим нарсаси – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланиши ёшларга қаратилаётган эътиборнинг давлат сиёсати даражасида кўтарилганидан далолатдир. Бу сиёсат, бугун ёхуд эртанигина эмас, олис келажак тақдиримизни ўйлаб жорий этилгани бежиз эмас.

Шу ўринда алоҳида эътибор қаратмоқ лозимки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ёшларга оид дав-

лат сиёсатининг нафақат ҳуқуқий, балки унинг иқтисодий, мафкуравий асосларини комплекс тарзда ўрганиш долзарб аҳамиятга эга масала. Шу сабабли бу масаланинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, унга доир миллий ва хорижий тажрибанинг қиёсий таҳлили, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ролини кучайтириш бўйича масалаларни ўрганиш ҳамда бу борада амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш лозим.

Шуни қайд этиш керакки, ҳозирги кунда республикамиз аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этади. Демак, мамлакатимиз ҳаётида уларнинг тутган ўрни ҳам улкан. Бинобарин, мамлакатимиз келажаги, Ватанимиз тақдири ҳам ана шу ёшлар қўлида. Шу боис, ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, уларнинг орзу умидлари, ўй-хаёлларига мададкор бўлиш асосий вазифамизга айланмоғи керак. Уларга фарзандларимиз каби ғамхўрлик қилсак, эътибор берсак, илм-фан чўққиларини забт этишларига ҳар томонлама ёрдам берсак, албатта, бундан жаннатмакон юртда ўсаётган ҳар бир ёш авлод қалбида ғурур ва ифтихор туйғуси пайдо бўлади. Ғурурли, ифтихорли фарзандларимиз эса эртанги кунга ишонч билан дадил қадам ташлайди.

ADABIYOTLAR:

1. Subhonov N. Yoshlarning ijtimoiylashuvi // Yosh kuch 2009 yil. May. 3- bet.
2. Chorueva D. O'zbekistonda yoshlar tashkilotlari: huquqiy maqomi va vazifalari.. // Huquq va burch. № 6 2008 yil. 33-34 bet.
3. Bo'ronova D.D. Yoshlarga oid davlat siyosati dinamikasi va muammolari (O'zbekiston misolida). Dis. Siyosiy fan. nom. – Toshkent. 2009 yil. 87-88. Bet
4. O'zbekiston Respublikasi Statistika qo'mitasi ma'lumotnomasi (2005 yil 1 yanvar holatiga ko'ra).
5. Ro'ziev U. [Barkamol yoshlar] // Turkiston. 2010 yil. 11 noyabr
6. Topildiev Odiljon Raximjonovich: O'zbekistonning ijtimoiy-siyosiy hayotida yoshlarning tutgan o'rnini. (1991-2008 yy). Tarix. Fan. Nom. Dis. – Toshkent.: O'zMU. 2011 yil. 41 bet.
7. Topildiev Odiljon Raximjonovich: O'zbekistonning ijtimoiy-siyosiy hayotida yoshlarning tutgan o'rnini. (1991-2008 yy). Tarix. Fan. Nom. Dis. – Toshkent.: O'zMU. 2011 yil. 42 bet.
8. O'zbekiston yoshlarining jamg'armasi "Kamolot" to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni // Xalq so'zi. 18 mart 1996 yil.
9. O'zbekiston Respublikasi "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2001 yil 30 maydagi 240-sonli qaroriga tegishli hujjatlar to'plami. – Toshkent. 2001 yil

10. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati faoliyatini qo'llab-quvvatlash va uning faoliyat samaradorligini yanada oshirish to'g'risida"gi Qarori // Xalq so'zi, 2006 yil, 10 oktyabr.
11. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 5 iyuldagi pf-5106-son "Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi farmoni <https://lex.uz/docs/3255680#undefined>
12. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 2020 yil. 24 yanvar.
13. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-son Farmoni. <https://lex.uz/docs/4545884>
14. O'zbekiston: Oliy ta'lim qamrovi darajasini 50 foizgacha oshira oladimi? <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-49989070>
15. <https://regulation.gov.uz/uz/document/4824>
16. Ilmiy-tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash yuzasidan amalga oshirilgan ishlar. <https://nuu.uz/uzc/science/gen-info>
17. <https://regulation.gov.uz/uz/document/4824>
18. Mamardashvili, M.K. O soznanii. Neobxodimost sebya / M.K. Mamardashvili. – M., 2006

